

9-10-2020

## MONITORING THE RATIONAL USE OF BIOLOGICAL RESOURCES

Акмал Нормуминович Турабоев  
*б.ф.д. проф. Узбекистан миллий университети*

Хуршид Ботирович К,ирйигитов  
*катта уқитувчи, Жиззах политехника институти*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Турабоев, Акмал Нормуминович and К,ирйигитов, Хуршид Ботирович (2020) "MONITORING THE RATIONAL USE OF BIOLOGICAL RESOURCES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 14.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## MONITORING THE RATIONAL USE OF BIOLOGICAL RESOURCES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

## БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МОНИТОРИНГИ

Тўрабоев Акмал Нормўминович б.ф.д. проф. Ўзбекистон миллий университети  
Қирйигитов Хуршид Ботирович катта ўқитувчи, Жиззах политехника  
институтини

*Аннотация.* Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида барқарор экологик ривожланишни таъминлаш мақсадида биохилма-хиллик ва агробιοхилма-хилликни сақлаш, ундан оқилон фойдаланиш ва самарали бошқарувини ташкил этиш борасида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада етакчилик қилиб келаётган хорижий давлатларда биологик ресурслар тўпланадиган ва уларнинг сақланиши таъминланган ген банклар ташкил этилган.

*Калит сўзлар:* Мониторинг, атроф-муҳит, ресурс, барқарор ривожланиш, экологик мониторинг, табиат.

## МОНИТОРИНГ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ

*Аннотация.* В настоящее время в целях обеспечения устойчивого экологического развития в развитых странах мира проводится ряд научных исследований по сохранению биоразнообразия и агробιоразнообразия, организации рационального использования и эффективного управления. В ведущих зарубежных странах в этой области созданы генофондные банки, в которых аккумулируются биологические ресурсы и обеспечивается их сохранность.

*Ключевые слова:* Мониторинг, окружающая среда, ресурс, устойчивое развитие, экологический мониторинг, природа, nature.

## MONITORING THE RATIONAL USE OF BIOLOGICAL RESOURCES

*Annotation.* Currently, in order to ensure sustainable environmental development in the developed world a number of scientific studies on biodiversity and agro-biodiversity, the sustainable use and efficient management. In leading foreign countries, gene banks have been created in this area, which accumulate biological resources and ensure their safety.

*Keyword:* Monitoring, environment, resource, sustainable development, environmental monitoring

Атроф-муҳит мониторинги тизимини амалга ошириш табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини самарали ва оқилон режалаштириш имконини беради. Экологик мониторингни таъминлаш табиатдан фойдаланиш, бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Негаки, ушбу тизимда мониторинг оптималлаштириш тадбирларини режалаштириш ва улар самарадорлигини назорат қилиш ўртасида муҳим боғловчи роль ўйнайди. Биологик ресурслардан оқилон фойдаланиш ва уларни мониторинг қилиш тизими деганда унинг

сифатини сақлаш ёки яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тушунилади.

Атроф-муҳит мониторинги тизимини амалга ошириш табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини самарали ва оқилона режалаштириш имконини беради. Экологик мониторингни таъминлаш табиатдан фойдаланиш, бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Негаки, ушбу тизимда мониторинг оптималлаштириш тадбирларини режалаштириш ва улар самарадорлигини назорат қилиш ўртасида муҳим боғловчи роль ўйнайди. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни мониторинг қилиш тизими деганда унинг сифатини сақлаш ёки яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тушунилади. [1].

Тараққиётнинг замонавий босқичида биологик ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни оқилона ташкил этишга йўналтирилган 1992 йилги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги ва бошқа қонунларга таянадиган маъмурий фаолият муҳим ўрин тутди.

Таъсир кўрсатиш шакллариининг ўзаро нисбати бошқарув даражасига қараб фарқ қилади. Таҳлиллар кўрсатадики, биологик ресурсларни муҳофаза қилишни бошқариш тизими қуйидаги даражаларга ажратилиш мумкин.

#### **Вилоятда биологик ресурсларни муҳофаза қилишни бошқариш тизими**

Даража	Бошқарув шакли
Макродаража	давлат бошқаруви
Мезодаража	Республика субъекти даражасида амалга ошириладиган бошқарув
Микродаража	Биологик ресурсни корхоналар даражасида бошқариш (ички хўжалик фаолияти доирасида)
Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш	Биологик ресурсларни маҳаллий даражада бошқаришни уларнинг бирортасига тааллуқли деб ҳисоблаб бўлмайди
Макродаража	давлат бошқаруви

Албатта, даражалар ўртасидаги тафовут йўқолиши ҳам мумкин. Масалан, биологик ресурсларни туманлар даражасида (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш даражасида) бошқаришни уларнинг бирортасига тааллуқли деб ҳисоблаб бўлмайди. Жумладан, қуйидаги фикрларни айтиш мумкин: йирик шаҳар мақоми (аҳолиси қарийб 1 миллион киши) шаҳарни мезодаражанинг кичик даражаси (мустақил босқич) сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Бизнингча биологик ресурсларни муҳофаза қилишни қуйидаги фаолиятини ва унинг сифатини амалга ошириш учун кўпгини тадбирларни эътиборга олиш лозим.

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, биологик ресурсларни муҳофаза қилиш фаолиятини таъминлашнинг қуйидаги турларини амалга ошириш орқали биологик ресурслар сифатини бошқариш мумкин: 1) ташкилий; 2) ахборот-таҳлилий; 3) санитария-техник; 4) молиявий.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, гарчи йирик ҳудудлар ва шаҳарларда экологик вазиятни тўлиқ бошқариш ва яшаш муҳитининг экологик ҳавфсизлигини

таъминлаш борасидаги барча истиқболли мақсадларга эришилмаган бўлсада, бугунги босқичда бу вазифани етарли даражада бошқариладиган тизимлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, турли тадбирлар ўтказиш орқали атроф-муҳит объектларида зарарли моддалар таркибини камайтириш мумкин.

Вилоятда экологик вазиятни бошқариш тизимида экологик аҳволни тузатишга тааллуқли бошқарув қарорлари сифатини таъминлайдиган мониторинг жараёни муҳим ўрин тутди. Истиқболли йўналишларни белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилинишини ҳар томонлама таъминлаш тамойилига асосланади. Ушбу қарорларнинг бажарилишини ахборот-таҳлил таъминоти тизимисиз амалга ошириб бўлмайди.

**Самарали экологик мониторинг асослари.** Биологик ресурсларни экологик мониторинги асослари экологик меъёрлаштириш, лицензиялаштириш ва стандартлаштириш, экологик назорат, экспертиза ва аудит билан боғлиқ. Қашқадарё вилояти ҳудудида табиатдан фойдаланишни мониторинг қилиш бўйича давлат тизимини ташкилий таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасига юкланган.

Лицензиялаштириш мониторинг механизмининг муҳим шакли ҳисобланади. Таҳлиллардан маълум бўлдики, қонунчиликка мувофиқ вилоятда табиий ресурслардан фойдаланиш ва ишлатиш ҳуқуқини лицензиялаштириш соҳасидаги асосий вазифалар жумласига киритиш мумкин.

1-жадвал

**Вилоятда лицензиялаштиришнинг асосий йўналиши ва вазифалари**

<b>Санитария ва экология бўйича</b>	<b>Санитария ва экология бўйича</b>	<b>Санитария ва экология бўйича</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Вилоят минерал хом-ашё базаси ва тоғ-кон саноатини ривожлантиришни таъминлаш, конлардан оқилона фойдаланиш ва қўриқлаш</li> <li>• Ер ости ва юзасидаги сувлар сифатини, қулай ичимлик сув муҳитини таъминлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Санитария ва экологик талаблар, фуқароларнинг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш</li> <li>• Сув объектларини ифлосланиши, ўт босиши, қум, балчик билан тўлиб қолишидан ҳимоя қилиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳавфли чиқиндиларни ишлатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш</li> <li>• Инсон саломатлиги ва атроф-табиий муҳит муҳофазаси талабларига риоя этилишини таъминлаш</li> </ul>

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизимига меҳнатдан фойдаланиш, асосий фондлар, айланма маблағлар, капитал қўйилмалар, моддий ресурслар, янги техника самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари киради. Бироқ, бу тизимда табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари йўқ. Атроф-муҳитга

етказилган иқтисодий зарарни ҳисоблаш бўйича мавжуд услубларида атмосферага чиқарилган моддалар умумий ҳажми ҳисобга олинади, аммо зарарланиш манбаларига бевосита яқин бўлган жойларда зарарланиш даражаси инобатга олинмайди.

Атроф-муҳит ҳолати эмас, балки табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бу борадаги фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтиришга доир тадбирларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услуби қўлланилмайди. Корхона ишчилари табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдан иқтисодий манфаатдор эмас.

Бизнинг фикримизча, биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга нисбатан корхоналар даражасида тавсияларни инобатга олмоқликлари лозим деб ҳисоблаймиз, у қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

рухсат этилган миқдорда атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар, оқизилладиган оқава сувларнинг асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш ва кам чиқинди чиқарадиган ва чиқиндисиз жараёнлар, ўзаро боғлиқ жараёнларни жорий қилиш;

технологик жараёнларни экологик экспертизадан ўтказиш, хомашё, материал, ёқилғи ва энергиянинг экологик хавfli турларини алмаштириш; чиқиндилар ва иккиламчи хомашёдан фойдаланиш, моддий ресурслардан кам фойдаланиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишни режалаштириш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва рағбатлантиришнинг меъёрий-услубий базасини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, атроф-муҳит муҳофазасини мониторинг қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг ташкилий шакллари ҳамда тузилмасини ривожлантириш.

**Хулоса.** Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш тизимлилик, узоқ муддатлилик ва дастурларга асосланишни назарда тутати. Бу эса яқиний натижа – экотизимларга етказилладиган экологик зарарнинг олдини олишни қатъий назорат қилишни тақозо этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Турсунов Л., Камилова Д., Тўрабоев А. Тоғ ўлкада тупроқ қатлами тузилиши ва уларнинг марфалогияси. Труды заповедников Узбекистана. Ташкент, 2008.
2. Экология, охрана природы и экологическая безопасность /Под общ. ред. В.И. Данилова - Данильяна. -М: Изд-во МНЭГУ, 1997.

### **АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ ТУЗКОН КЎЛИДА ОРОЛ ЧАВОҚБАЛИҒИНИНГ (*RUTILUS RUTILUS ARALENSIS*) МОРФОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Намозов Сирожиддин Махмудович

13	Шўрланишли шаройтда порлоқ – 4 ғўза навига микро-1 ва ризоком препаратларининг таъсирини ўрганиш Маматкулова Г. Ф, Камбурова В.С, Маматкулова Ш Х, Дарманов М. М .....	82
14	Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш мониторинги Тўрабоев А,Н, Қирйигитов Х. Б .....	88
15	Айдар-арнасой қўллар тизими тузкон қўлида орол чавоқбалиғининг ( <i>rutilus rutilus aralensis</i> ) морфоэкологик хусусиятлари Намозов С.М .....	92
16	Роль водорослей в очистке вод Муминова Р.Н, Махкамов Г.М, Рузиматов Р.Е.....	97
17	Jizzax shahrida manzarali butalarning tur xilma-xilligi va etishtirish istiqbollari Ishanqulova D.U, Haydarov X.Q .....	101
18	Биоэкологические особенности и практическое значение видов эфедры в Узбекистане Муминов Д. Я, Хайдаров Х К, Мукимов Т.Х, Норкулов М. М, Джумаева З.У.....	104
19	Зирабулоқ тоғлари карабидофаунаси (coleoptera: carabidae) нинг эколого-фаунистик таҳлили Халимов Ф.З, Сайфиддинов Х.З, Маманов С.С.....	111
20	Fuzarium <i>oxysporum</i> va fuzarium <i>roae</i> таъсирида бугдойнинг биологик белгилари ўртасида коррелятив боғланишлар ва детерминация Шапулатов Ў. М, Кулиев Т. Х, Қўшиев Х,Х, Шапулатов У.М.....	117
21	Такрорий экилган қанд лавлагини ривожланишига азотли ўғитлар шакл ва меёрлари таъсири Сулаймонов И.Ж., Эргашев Д.Т.....	123
22	Жанубий-ғарбий қизилқум ўсимликларини ўрганилиши хусусида Эсанов Х.Қ .....	127

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

09.00.00

**ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ**

**PHILOSOPHICAL SCIENCES**

23	Scientific results obtained on the topic “modernization and integration of national culture in the context of globalization” Farxodjonova N.F .....	138
24	Эстетический идеал – идея созидания Халилов Р.Р .....	144
25	Sharq mutafakkiri Abu Nasr Forobiyning komil inson haqidagi qarashlari va uning inson ma’naviyati yuksalishidagi ahamiyati Xudayarov I.I .....	147
26	Инсон омилини фаоллаштириш – тадбиркорлик маданиятни ривожлантиришнинг стратегик вазифаси Сайитхонов А.А .....	153
27	Постмодерн дунёда илмий ва диний қадриятларга муносабат ҳамда унинг диалектик асослари Қамбаров А А .....	158